

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСМОИЛОВ ВОХИД ИСРОПИЛОВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИ
ШАРОИТИДА КУЗГИ ЖАВДАР ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08-Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural
Sciences**

Исмоилов Воҳид Исропилович

Самарқанд вилоятининг суғориладиган ерлари шароитида кузги жавдар
етиштириш технологиясини такомиллаштириш.....3

Исмоилов Воҳид Исропилович

Совершенствование технологии выращивания озимой ржи в условиях
орошаемых земель Самаркандской области.....21

Ismoilov Vokhid Isropilovich

Improvement of autumn rye growing technology in the conditions of irrigated lands
of Samarkand region.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСМОИЛОВ ВОХИД ИСРОПИЛОВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИ
ШАРОИТИДА КУЗГИ ЖАВДАР ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08-Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Qx911 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетидида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.tdau.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳамзаев Абдушукур Худойкулович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Атабаева Халима Назаровна,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Бозоров Холмурод Махмудович,
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим

Ўтакчи ташкилот:


Ўсимликлар генетик ресурслари
илмий-тадқиқот институти


Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Тошкент Давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг "19" 11 2022 йил соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, Тел.: (+71) 260-48-00; факс: (71) 260-38-60; E-mail: tuag_info@edu.uz)


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент Давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 546735 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+71) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2022 йил «4» 11 да тарқатилди.

(2022 йил «4» 11 даги 10 рақамли реестр баённомаси)

 У.Норкулов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор

 А.А.Иминов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.,
катта илмий ходим

 Ф.Б.Намозов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қўшиқдаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д., катта илмий
ходим



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

ссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё қишлоқ хўжалигида кузги жавдарнинг экилиш майдони 9,6 млн/га ва ялпи ҳосил 20 млн/т ни ташкил этадиган муҳим донли экинларидан бири бўлиб, кузги буғдой, шоли, арпа, маккажўхори, тарик ва сулидан кейин 6-7 ўринни эгаллайди. “Дунё дон ишлаб чиқаришида унинг салмоғи 1 – 1,2 % ни ва ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 21 ц ни ташкил этади. Кузги жавдар айрим Европа давлатларда, хусусан Россия, Польша, Германия, Белоруссия, Украинада буғдой билан бир қаторда, асосий озиқ-овқат экинидан биридир”¹. Жавдарнинг совуққа ва қишга чидамлиги, Марказий ва Шарқий Европада кенг тарқалишига имкон беради. Бу ерда 4,8 млн. гектар майдонда жавдар етиштирилади. “Энг кўп жавдар етиштирадиган мамлакатлар – Россия Федерацияси, Польша, Германия, Белоруссия ва Украина. Бу мамлакатларда дунё бўйича етиштирадиган жавдарнинг 75 % ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда кузги жавдар 8,0 минг гектар майдонга экилиб, асосан Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида кўпроқ экилади”². Жавдарнинг мақбул экиш муддати ва минерал ўғитлар меъёрларини аниқлаш ҳамда етиштиришнинг муҳим агротехнологик элементларини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда аҳолини парҳез маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда бошоқли дон экинлари, жумладан жавдар навлари ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида жавдар етиштириш агротехнологияларини тўғри ва ўз муддатида олиб бориш керак. Кузги жавдар навларидан турли тупроқ-иқлим шароитларга мос етиштириш агротехнологияларини тўғри олиб бориш ҳисобига юқори ва сифатли дон ҳосили олишга эришилмоқда. Бунда навлар биологик хусусиятларига мос мақбул экиш муддатларида ва минерал ўғитлар меъёрларини тўғри танлаш ўсимликларнинг қишга чидамлиги ва ётиб қолишга бардошлигини ошириб, улардан юқори ва сифатли дон ҳосили олишни таъминлайди. Айниқса, кузги жавдар (*Secale cereale*.)нинг биологик кузги навларини суғориладиган ерлар шароитида мақбул экиш муддатлари ва минерал ўғитлар меъёрларини ўрганиш асосида етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз шароитида шу минтақага мос, эртапишар, серҳосил ва юқори сифатли дон берадиган кузги жавдар навларини мақбул экиш муддати ҳамда минерал ўғитлаш меъёрларини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида³ яқин келажакда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар самарасини ошириш ва ушбу жабҳани

¹ <https://www.fao.org/documents/card/ru/c/cb4477en/>

² FAO, 2014. FAOSTAT. Available at: <http://faostat.fao.org> last accessed 28. August 2014.

³ <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

ривожлантириш юзасидан аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, фермер ва деҳқонлар даромадини 2 баробарга кўпайтириш учун зарур шароитларни яратиш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини 5 фоизга етказиш каби муҳим устувор вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз аҳолисининг ҳозиргача импорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қисман бўлсада қондириш учун жавдарнинг янги навларини яратиш, мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини тўғри белгилаш ҳамда етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги 259-сонли «2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларда суғориладиган ерларда жавдарнинг селекцияси, биологияси ва навлар етиштириш агротехнологияси бўйича Л.И.Кедрова, Р.Р.Исмагилов, П.Н.Бражников, Р.А.Удачин, А.П.Иванов, И.А.Стебут, R.Karlsson, L.Kottmann, P.Wilde, Б.Д.Аллашов, Ҳ.Атабаева, Р.Орипов, Н.Халиловлар илмий изланишлар олиб боришган. Аммо, жавдарнинг давлат реестрига киритилган навларини экиш муддатлари ҳамда минерал ўғитлаш меъёрларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти (ҳозирги Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети) илмий-тадқиқот ишлари режасининг №01980004512 «Зарафшон воҳасига мослашган юқори ҳосилли ва сифатли ўсимликшунослик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда илмий жиҳатдан асосланган, экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи янги ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади. Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида жавдар навларидан иқтисодий самарали ва юқори дон ҳосили етиштириш учун мақбул экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти типик бўз тупроқлари шароитида жавдар навлари уруғларини дала унувчанлиги, қишлаб чиқиши ва тулланиш даражасига экиш муддатлари ҳамда минерал ўғитлаш меъёрларини таъсирини аниқлаш;

жавдар навларини ўсимлик бўйи ва ётиб қолишига экиш муддатлари ҳамда минерал ўғитлаш меъёрларини таъсирини ўрганиш;

экиш муддатлари ва минерал ўғитлаш меъёрларини жавдар навларининг илдиз тизими ҳамда ер устки массасининг шаклланишига таъсирини ўрганиш;

жавдар навларининг барг сатҳи, фотосинтетик фаолиятини экиш муддатлари, минерал ўғитлаш меъёрларига боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш;

экиш муддатлари ва минерал ўғитлаш меъёрларининг жавдар навларини ҳосил структураси, сомон ва дон ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш;

жавдар навларини экиш муддатлари ва минерал ўғитлаш меъёрларини қўллаш билан бирга етиштириш агротехнологиясини иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва шу асосида тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жавдарнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган Вахшская 116 ҳамда Шалола навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги экиш муддатларида қўлланилган минерал ўғитлаш меъёрларини жавдар навларининг ўсиши, ривожланиши, қишга чидамлиги, тулланиш бўғинининг чуқурлиги, фотосинтетик фаолияти, ўсув даври ва ривожланиш фазаларини давомийлиги, ётиб қолишга чидамлилиги, ҳосил структурасининг шаклланиш хусусиятлари, ҳосилдорлик, доннинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларида лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини қўйиш, биометрик ўлчаш, фенологик кузатиш, турли таҳлиллар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», тупроқ ва ўсимлик намуналарини кимёвий таҳлил қилиш ҳамда агрофизикавий изланишлар «Методы агрохимических анализов почв и растений», “Dala tajribalarini o‘tkazish uslublari” каби услубий қўлланмалар асосида, дала тажрибалардан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов усули бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор жавдар навларини экиш муддати ва минерал ўғитлаш меъёрлари Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида такомиллаштирилган;

кузги жавдарининг иқтисодий жиҳатдан самарали мақбул экиш муддатлари ва минерал ўғитлаш меъёрларида ўсимликнинг дала унувчанлиги, маҳсулдор, умумий тупланиш, ўсимликларнинг қишга ва ётиб қолишга чидамлилиги қиёсий жиҳатдан аниқланган;

жавдар навларининг ер устки массаси ва илдиз тизимининг шаклланиши, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, фотосинтетик фаолияти, ҳосилдорлиги энг юқори кўрсаткич экиш муддати 15 октябрда, минерал ўғитлаш меъёри $N_{180} P_{110} K_{90}$ кг/га эканлиги аниқланган;

жавдар навлари ҳосил элементларининг шаклланиши, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари экиш муддати 15 октябрда, минерал ўғитлаш меъёри $N_{180} P_{110} K_{90}$ кг/га қўлланилган вариантда энг юқори бўлсада, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, худди шу экиш муддатида ўғитлаш меъёри $N_{150} P_{90} K_{75}$ кг/га қўлланилган вариантда юқорилиги аниқланиб, Вахшская 116 навида соф фойда 2 млн. 736,5 минг сўм ва рентабеллик даражаси 46,7 %, Шалола навида эса соф фойда 3 млн. 561 минг сўм ҳамда рентабеллик даражаси 60,7 % бўлганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида жавдар уруғларининг униб чиқиши навнинг биологик хусусиятларига экиш муддатларига боғлиқлиги кузатилиб, эрта (01.10) экиш муддатида экиш-униб чиқиш даври давомийлиги ўртача 7 кунни, экиш муддатлари (15.10; 01.11) кечикиши натижасида бу кўрсаткич 9 кундан 15 кунгача узайиши аниқланган;

жавдар навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, экиш муддатлари ва минерал ўғитлар қўллаш меъёрлари самарадорлиги, мақбул экиш муддатларида фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёрини тўлиқ миқдорда, азотли ўғитларни эса йиллик меъёрини 15-20 % миқдорида экиш олдида қўллаш натижасида жавдар навларининг қишки совуқларга чидамлилиги ошганлиги аниқланган;

тадқиқотда жавдар навларининг дон ҳосилдорлиги минерал ўғитлар қўлланилганда ошиб бориши аниқланган. Вахшская 116 ва Шалола навини дон ҳосилдорлиги минерал ўғитлар энг юқори $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг/га қўлланилганда мос равишда ўртача 63,5; 66,6 ц/га бўлиш қайд этилди. Бунда жавдарнинг Шалола навида Вахшская 116 навига нисбатан 3,1 ц/га кўп бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала ва лаборатория тажрибалари апробациядан ўтказилганлиги, ижобий баҳоланганлиги, тадқиқотлардан олинган натижаларнинг дала ва лаборатория усулларида фойдаланилган ҳолда математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет-эл илмий-тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти Самарқанд вилояти типик бўз тупроқлари шароитида жавдарнинг Давлат реестрига киритилган Вахшская 116 ва Шалола навларининг уруғларининг дала унувчанлиги, ўсимликларнинг ҳосилни йиғиштиришгача сақланиши, ўсиш-ривожланиши, барг сатҳи, барг индекси, фотосинтетик потенциал, қуруқ модданинг тўпланиши, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, ҳосил структураси, экиш муддатлари ва минерал ўғитлаш меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариш қонуниятлари ўрганилганлиги таҳлил қилинган ва олинган натижалар асосида энг мақбул вариантлар аниқланганлиги, хулосалар қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида жавдар навларига бир хил экиш муддатлари ва минерал ўғитлар меъёрларини қўллаш орқали Шалола нави Вахшская 116 навига нисбатан кўп ҳосил олинishi исботланган. Бундан ташқари аҳолининг озиқ-овқат ва парҳез маҳсулотлари бўлган талабини қондириш ҳамда етиштириш агротехнологияларининг айрим элементларини (экиш муддати ва минерал ўғит) такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жавдар навларининг ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва минерал ўғитлар меъёрларини таъсирини аниқлаш борасида олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

жавдар навларини етиштириш бўйича фермер хўжаликлари учун «Кузги жавдар экиш муддати ва мақбул ўғитлаш тизими бўйича тавсиялар» тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги № 02/27-04/4525-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлар ва агрокластерлар учун амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

жавдарни кузги экиш муддатларида минерал ўғитлар меъёрларини мақбуллаштириш технологиясини такомиллаштириш борасида Самарқанд вилояти Пайариқ, Окдарё, Жомбой, Иштихон, Каттакўрғон туманларидаги ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида жами 68,5 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги № 02/27-04/4525-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида мақбул экиш муддатида қўлланилган ва иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлган ўғитлаш меъёрлари бўйича гектаридан 1,7-11,3 центнер қўшимча дон ҳосили олинган;

Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги жавдарнинг Шалола навини октябр ойининг иккинчи ўн кунлигида экиш ва гектарига $N_{150} P_{90} K_{75}$ кг меъёрда минерал ўғитларни ўсимликнинг ривожланиш фазалари бўйича табақалаштириб қўллаш технологияси 68,5 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги № 02/27-04/4525-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур технологияни жорий қилиш эвазига хўжаликларда ўртача 67,0 ц/га дон ҳосили олиниб, гектаридан 3 млн. 561 минг сўм соф фойда ва 60,7 % рентабелликка эришган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили Самарқанд ветеринария медицинаси институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган, ишнинг асосий илмий натижалари бўйича 2 та Республика ва 3 та халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 10 та илмий мақола чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, шундан 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, ҳулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Кузги жавдар етиштиришнинг хорижий давлатлар ва Ўзбекистондаги ҳолати, уларнинг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилаётган омиллар бўйича чоп этилган илмий маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Жавдар ўсимлигининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, биологик хусусиятлари, етиштириш технологияси, кузги жавдарни экиш муддатлари ва минерал ўғитлаш меъёрларини ҳосилдорлик ҳамда дон сифатига таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари таҳлил этилиб, ҳулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар ўтказиш шароитлари, объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган йиллардаги тажриба даласининг тупроқ хусусиятлари ҳамда ҳудуднинг иқлим шароитлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Дала тажрибалари Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясида 2018-2020 йилларда олиб борилиб, майдоннинг тупроғи суғориладиган типик бўз тупроқлар бўлиб, сизот сувлар 7-8 метр чуқурликда жойлашган. Механик таркибига кўра ўрта қумоқ.

Тажриба даласи тупроқларининг агрокимёвий тавсифи қуйидагича: тупроқ ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-60 см) қатламларида тегишли гумус миқдори 1,20; 0,74 %, ялпи азот 0,080; 0,068; фосфор 0,190; 0,093 ва калий 2,1; 1,6 %, тупроқ муҳити реакцияси (рН) 7,2 эканлиги аниқланган.

Жавдар билан ўтказилган дала ва лаборатори тажрибаларидаги изланишларнинг услуб ва усуллари батафсил тўхталиб ўтилган. Дала тажрибасида фойдаланилган жавдарнинг Вахшская 116 ҳамда Шалола навларини тавсифи батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «Кузги жавдар ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш муддатлари ҳамда ўғитлаш меъёрининг таъсири» деб номланган учинчи бобида жавдар уруғларининг дала унувчанлигига экиш муддати, минерал ўғитлар меъёрининг таъсири жавдар навларига ҳам боғлиқ бўлиши аниқланди.

Кузги жавдар 1 октябрда экилганда Вахшская 116 ва Шалола навларини дала унувчанлигини мос равишда 82,5 % дан 85,7 % гача ва 84,5 дан 87,0 % гача ўзгариши кузатилди. Назорат вариантда навларга мос равишда 82,5; 84,5 % (330,0; 338,0 дона) бўлган бўлса, N₁₂₀P₇₀K₆₀ вариантда мос равишда 1,3; 1,0 % (5,3; 4,0 дона), N₁₅₀P₉₀K₇₅ вариантда 1,7; 1,5 % (7,0; 6,0 дона), N₁₈₀P₁₁₀K₉₀ вариантда эса 3,2; 2,5 % (12,6; 9,7 дона) га кўп майса ҳосил қилганлиги қайд этилган.

Экиш 15 октябрда экилган назорат вариантда навларга мос равишда 81,7; 87,2 % (326,6; 348,7 дона), бўлган бўлса, N₁₂₀P₇₀K₆₀ вариантда мос равишда 1,8; 1,3 % (7,4; 5,3 дона), N₁₅₀P₉₀K₇₅ вариантда 2,5; 2,0 % (10,0; 8,3 дона), N₁₈₀P₁₁₀K₉₀ вариантда эса 2,9; 2,8 % (12,0; 11,3 дона) га кўп майса ҳосил қилганлиги кузатилган. Уруғларнинг дала унувчанлиги минерал ўғитларни меъёри катта таъсир кўрсатмаганлиги аниқланган.


Жавдар навларининг экиш муддатлари ва ўғитлар меъёрлари жавдар майсаларини қишлаб чиқишига турлича таъсир кўрсатиб, ўсимликларнинг қишлаб чиқиши Вахшская 116 навида 88,0 % (263,4 дона) дан 97,5 % (329,7 дона) гача, Шалола навида эса 94,2 % (303,7 дона) дан 98,3 % (353,8 дона) гача ўзгариши кузатилган (1-расм).



1-расм. Жавдарнинг қишга чидамлигини экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларига боғлиқлиги (ўртача 2018-2020 йй.)

1 октябрда экилган Вахшская 116 навида вариантлар бўйича ўсимликнинг қишлаб чиқиши 91,0 % (300,2 дона) дан 95,2 % (326,1 дона) гача, 15 октябрда экилганда ўсимликларни қишлаб чиқиши 93,2 % (304,5 дона) дан 97,5 % (329,7 дона) % гача, 1 ноябрда эса бу кўрсаткич 88,0 % (263,4 дона) дан 94,1 % (301,4 дона) гача ўзгариб бориши кузатишган.

Шалола навида қишлаб чиқиш, 1 октябрда экилганда 95,0 % (321,0) дан 97,1 % (333,9) гача, 15 октябрда экилган қишлаб чиққан ўсимликлар 95,3 % (332,2) дан 98,3 % гача, 1 ноябрда эса қишлаб чиққан ўсимликлар 94,2 % (303,7) дан 97,6 % (326,8) гача бўлиши аниқланган (2-расм).



2-расм. Жавдарнинг қишга чидамлигини экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларига боғлиқлиги (ўртача 2018-2020 йй.)


Минерал ўғитлар меъёри жавдар навларининг қишлаб чиқиш даражасига ижобий таъсири аниқланган. 1 октябрда экилганда навларга мувофиқ равишда 91,0 % (300,2 дона); 95,0 % (321,2 дона) бўлган бўлса, N₁₂₀P₇₀K₆₀ вариантда қишлаб чиққан ўсимликлар назорат вариантга нисбатан навларга мос равишда 2,2 % (12,2 дона); 1,7 % (9,5 дона) ўсимлик, N₁₅₀P₉₀K₇₅ вариантда 3,6 % (19,7 дона); 2,1 % (12,7 дона) ўсимлик, N₁₈₀P₁₁₀K₉₀ вариантда эса 4,8 % (26,1 дона); 1,4 % (13,9 дона) га кўп ўсимлик қишлаб чиққанлиги аниқланганлиги келтирилган.

15 октябрда экилганда қишлаб чиққан ўсимликлар назорат вариантда навларга мос равишда 93,2 % (304,5 дона); 95,3 % (332,2 дона) бўлган бўлса, N₁₂₀P₇₀K₆₀ вариантда, назорат вариантга нисбатан 2,1 % (13,7 дона); 1,6 % (10,9 дона) ўсимлик, N₁₅₀P₉₀K₇₅ вариантда 2,9 % (19,1 дона); 2,2 % (16,0 дона) ўсимлик, N₁₈₀P₁₁₀K₉₀ вариантда эса 4,3 % (25,2 дона); 3,0 % (21,6 дона) ўсимлик кўп бўлганлиги қайд этилган.

Экиш муддатларининг 1 октябрдан 1 ноябргача кечикиши натижасида

ўсимликларнинг бўйи пасайиши, ўғитлаш меъёрларининг ошиб бориши эса мос равишда ўсимлик бўйининг баланд бўлишига олиб келиши аниқланган.

Жавдарнинг Вахшская 116 ва Шалоло навларини назорат вариантга нисбатан $N_{120}P_{70}K_{60}$ вариантда навларга мос 10,7; 11,1 см, вариантда 14,7; 15,3 см, $N_{180}P_{110}K_{90}$ вариантда эса 19,9; 19,6 см баланд бўлган (3-расм).



3-расм. Жавдарнинг экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларини ўсимлик бўйи ва ётиб қолишига чидамлилигига таъсири

Вахшская 116 ва Шалоло навларида 1 октябрда экиб, $N_{180}P_{110}K_{90}$ қўлланилган вариантда навларга мос равишда 140,0; 145,1 см бўлган бўлса, экиш муддати кечикиши (1.11) билан ўсимлик бўйи паст, яъни 127,6; 130,0 см бўлганлиги кузатилган. Жавдарнинг Вахшская 116 навида бўйи нисбатан паст бўлишига қарамай, эрта (1.10) экилган муддатда экилганда минерал ўғит меъёрлари ошиб бориши билан ўсимлик ётиб қолиши яққол кўриниб, ётиб қолишга чидамлик 4-4,5 баллини ташкил этди.

Жавдарнинг Вахшская 116 нави асосий поясининг баландлиги ва қўлланилган ўғитлар меъёрлари орасидаги боғлиқликнинг таҳлилини кўрсатишича, ўрганилган барча муддатларда боғлиқлик чизиқли ҳарактерга эга. Минерал ўғитлар меъёрининг ўрганилган барча муддатлардаги ўсимлик бўйига таъсири тўғри чизиқли характерга эга бўлиб, эртаги муддатда экилганда $y=0,07x+117,6$ регрессия тенгласи бўйсилади, корреляция коэффициенти $r=0,99$ га тенг бўлиши қайд этилган. Ўрганилган барча муддатларда ҳам ушбу қонуният сақланиб қолиши аниқланди. 15 октябрда экилганда эса боғлиқлик $y=0,07x+108,3$ 1 ноябрда $y=0,08x+97,02$ регрессия тенгласига бўйсиниб, чизиқли ҳарактерга эга, корреляция коэффициенти эса 0,99 га тенг бўлиб, боғлиқлик тифиз бўлиши аниқланган. Экиш муддатларининг барчасида Шалоло навида поясининг узунлиги $y=ax+b$ тўғри чизиқли характерга ва боғлиқлик тифиз ($r=0,99$) бўлиши алоҳида таъкидланган.

Тажрибада экиш 1 октябрда амалга оширилганда уруғларнинг тўлик

униб чиқиш даври навларга мос равишда 7-8 кунни ташкил этилиб. ўрганилган навлар ўртасида экиш-униб чиқиш даврининг давомийлиги бўйича сезиларли фарқлар кузатилмаган. Аммо, ўсимлик уруғларнинг униб чиқиш даври экиш муддатларининг кечигиб бориши билан узайиб борди. Кеч муддатда экилган уруғлар эрта муддатларда экилгандагига нисбатан ҳаво ва тупроқ ҳарорати тадқиқот олиб борилган йиллар кесимида сезиларли даражада пасайиши натижасида экиш-униб чиқиш даври 7-8 кунга узайиши аниқланган.

Кузги экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрлари кузги жавдарнинг қолган ривожланиш даврларига ҳам таъсири сезиларли бўлган. Униб чиқиш-тупланиш даври 1 октябрда экилган вариантларда Вахшская 116 навида 12-14 кунни, Шалола навида 13-14 кунни, 15 октябрда экилган вариантларда эса навларга мос равишда 15-17; 17-18 кунни ташкил этган. Кеч 1 ноябрда экилган муддатда вариантлар бўйича кузги жавдар навларининг тупланиш фазаси баҳорги ўсув даврига тўғри келиши аниқланган.

Жавдар навларининг униб чиқиш-найчалош даври эрта (1.10) экилган муддатда ўртача 173-184 кунни ташкил этиб бу кўрсаткич кеч (1.11) экилган вариантларда 146-158 кунни ташкил этганлиги кузатилган. Ўғитлаш меъёри бўйича эса, азотли ўғитлар меъёрини ошириб бориши назорат вариантыга нисбатан униб чиқиш ва найчалош даврини 6-8 кунга узайишига олиб келганлиги аниқланган.

Вахшская 116 ва Шалола навларида униб чиқиш-тўлиқ пишиш даври 1 октябрда назорат вариантыда навларга мувофиқ ҳолда 260-267; 263-269 кунни ташкил этган ҳолда, шу муддатда гектарига $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг ўғит қўлланилган вариантыда эса, 270-278; 274-283 кун бўлганлиги аниқланган.

Вахшская 116 ва Шалола навларида 1 октябрда экилган назорат вариантыда бир туп ўсимликда маҳсулдор поялар сони ҳар иккала навда ҳам 1,62 донадан бўлиб, бу кўрсаткич ўғитлаш меъёри $N_{120}P_{70}K_{60}$ кг/га қўлланилган вариантыда ҳар иккала навда ҳам 1,94 дона бўлди, $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг/га қўлланилган вариантыда 2,07; 2,05 донани ва $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг/га қўлланилган вариантыда эса 1,93, 2,04 донани ташкил этиши тадқиқот натижаларида аниқланган.

Экиш муддатларининг кечикиши билан бир туп маҳсулдор поялар сони камайиб борилганлиги яъни, кеч 1 ноябрда экилган муддатда назорат вариантыда маҳсулдор поялар сони навлар кесимида 1,70; 1,57 дона бўлиб, бу кўрсаткич ўғитлаш меъёри $N_{120}P_{70}K_{60}$ кг/га вариантда навларга мос равишда 1,89; 1,80 дона, $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг/га вариантыда 1,94; 1,82 дона ва $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг/га вариантыда эса 1,96, 1,82 дона бўлганлиги қайд этилган.

Вахшская 116 навини эртаги 1.10 муддатда экилганда боғлиқлик эгри чизиқли характерга эга бўлиб, $y=0,0096x^2 + 6,04x-454,2$ регрессия тенгламасига бўйсиниши ва корреляция коэффициенти $r=0,89$ ни ташкил этиши аниқланган бу навни кейинги экиш муддатларида маҳсулдор поялар ҳосил бўлиши тўғри чизиқли характерли, тиғиз ($r=0,99$) хусусиятга эгаллиги қайд этилган.

Жавдарнинг Шалола навида барг индексининг шаклланиши ўсув даври боши майсалаш туплаш фазалараро ўсув даврида экиш муддатлари ва ўғит меъёрлари бўйича барг индекси кўрсаткичи $1,130-2,265 \text{ м}^2/\text{м}^2$ диапазонида бўлиши аниқланган.

Жавдар ўсимлигининг энг юқори барг юзаси кўрсаткичи Шалола навида, Вахшская 116 нави каби, найчалаш – бошоқлаш фазалараро ўсиш даврида кузатилиб, барг юзасининг кўрсаткичлари тажриба вариантлари бўйича $51,2-107,0$ минг $\text{м}^2/\text{га}$ оралиғида ўзгариб бориши аниқланган.

Жавдарнинг Шалола навида барг юзаси бўйича энг юқори кўрсаткич 1 октябр муддатда экилиб $\text{N}_{180}\text{P}_{110}\text{K}_{90}$ $\text{кг}/\text{га}$ ўғитлаш меъёрида аниқланган.

Барг юзаси шаклланишининг ўғитлар меъёрларига боғлиқлиги 01.X ва 15.X экиш муддатларида эгри чизикли характерда бўлиб, регрессия тенгламаси ва корреляция коэффиценти тегишлича қуйидагича бўлди: $y=1,26+7,81x-1,3x^2$; $r=0,97$.

Экиш муддати кечиктирилишида (01.XI) ўғитлаш меъёрлари ва барг юзаси орасидаги боғлиқлик тўғри чизикли характерда бўлиб, регрессия тенгламаси $y=4,79+1,37x$, корреляция коэффисенти эса $r=0,91$ тенг бўлиши кузатилган.

Экиш муддати кечиктирилишида (01.XI) ўғитлаш меъёрлари ва барг юзаси орасидаги боғлиқлик тўғри чизикли характерда бўлиб, регрессия тенгламаси $y=4,79+1,37x$, корреляция коэффисенти эса $r=0,91$ тенг бўлди.

Вахшская 116 навида экиш муддатларининг кечикиб бориши билан барг юзаси камайиб бориб, бунда боғлиқликнинг регрессия тенгламаси $y=a-bx$ ва корреляция коэффиценти $r=-0,98$ га тенг бўлганлиги аниқланган. Шалола навида боғлиқлик парабола кўринишида яъни экиш муддати 15 октябргача ўтказилганида барг юзаси ортиб бориши, экиш муддатининг кейинги сурилишида эса барг юзасининг камайиши аниқланган.

Жавдарнинг Вахшская 116 ва Шалола навларини турли экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларида экиннинг фотосинтетик потенциали $0,200-2,415$ сутка млн $\text{м}^2/\text{га}$. оралиғида ўзгариб туриши ва бу кўрсаткич ўсув фазалараро муддатларига боғлиқлиги энг кичик фотосинтетик потенциал жавдар навларида майсалаш – туплаш фазалараро ўсув даврида, энг юқори қиймати эса найчалаш – бошоқлаш фазалараро ўсув даврида бўлиши. Бу кўрсаткичини сут пишиш-мум пишиш фазасида камайиши аниқланган.

Экиш муддати 01.X да бўлган вариантда боғлиқликнинг ифодаланиши парабала кўринишида бўлиб, ўғитлаш меъёрлари $\text{N}_{150}\text{P}_{90}\text{K}_{75}$ $\text{кг}/\text{га}$ ортиб бориши билан ФП нинг ортиб бориши, ўғит меъёрининг кейинги ортишида эса ФП нинг камайиши, бунда боғлиқлик $y=a+bx-cx^2$ ва корреляция коиффиценти $r=0,98$ га тенглиги аниқланган.

Жавдарнинг Вахшская 116 навида фотосинтетик соф маҳсулдорлик 1 октябрда экилган муддатда ва ўғитлаш меъёрига боғлиқ равишда майсалаш – туплаш фазалараро ўсиш муддатида $1,56-2,13 \text{ г}/\text{м}^2/\text{суткани}$ ташкил этган. Соф маҳсулдорликнинг энг юқори кўрсаткичи найчалаш – бошоқлаш фазалараро ўсув даврига тўғри келиб, вариантлар бўйича $4,32-5,76 \text{ г}/\text{м}^2*\text{сутка}$

эканлиги, энг юқори кўрсаткич $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг/га вариантида кузатилган.

Жавдарнинг Шалола навини 1 октябрда экилганда вариантлар бўйича майсалаш – тушлаш фазлараро муддатда 1,80-2,10 г/м².*сутка соф маҳсулдорликка эга бўлиб. Ушбу муддатда олинган фотосинтез соф маҳсулдорлиги иккала навда ҳам барча экиш муддатларига нисбатан юқори бўлиши аниқланган.

Самарқанд вилоятининг суғориладиган бўз тупроқлари шароитида жавдарнинг Вахшская 116 ва Шалола навларни турли муддатларда ва минерал ўғитлашнинг ҳар хил меъёрларида қуруқ биомасса ўзгариб бориши, экишни эрта муддати Вахшская 116 навида назорат вариантда ўсиш фазаларига боғлиқ ҳолда 0,283-6,187 т/га биомасса тўплаши экишнинг мақбул (15.10) ва кечки ўтказиш ушбу вариантда биомасса миқдори тегишлича, 0,316-5,738 т/га ва 0,232-4,712 т/га оралиғида бўлиб, экиш муддати кечикиши биомасса камайишига олиб келиши аниқланган.

Вахшская 116 ва Шалола навлари ҳосил структураси кузги экиш муддатларида қўлланилган минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариб бориб, бошоқ узунлиги Вахшская 116 навида 11,3 дан 20,3 см гача, Шалола навида эса бу кўрсаткич 13,5 дан 26,3 см гача бўлганлиги аниқланган.

1 октябр экилиб ва гектарига $N_{120}P_{70}K_{60}$ кг қўлланилган вариантда навларга мос равишда бошоқ узунлиги 16,4; 20,1 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 33,1; 34,4 дона, битта бошоқдаги дон сони 46,9; 47,0 донани, бошоқчадаги донлар сони 1,42; 1,37 донани, минералли ўғитлар меъёри гектарига $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг бўлган вариантда эса бошоқ узунлиги 18,1; 21,4 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 33,4; 34,9 дона, битта бошоқдаги дон сони 48,5; 49,1 донани, бошоқчадаги донлар сони 1,45; 1,41 донани ва ўғитлашнинг гектарига $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг қўлланилган вариантида бошоқ узунлиги 18,3; 22,5 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 34,3; 35,2 дона, битта бошоқдаги дон сони 52,4; 50,2 донани, бошоқчадаги донлар сони эса 1,53; 1,43 донани ташкил этиши аниқланган. Эрта (01.10) муддатда экилган назорат вариантида жавдарнинг Шалола навида бошоқдаги бошоқчалар сони 25,1 донани ташкил этиб, бу кўрсаткич Вахшская 116 навида нисбатан 2,8 донага кўп бўлиши кузатилган.

1-жадвал

Жавдар турли навларини 1000 та уруғ массаси ва қўлланилган минерал ўғитлар орасидаги боғлиқлик

Кўрсаткичлар	Регрессия тенгламаси	Корреляция коэффиценти	Боғлиқлик
Вахшская 116 нави			
1 октябр.	$y = 0,0003x^2 + 0,21x - 6,3$	$r = 0,88$	кучли, ижобий
15 октябр	$y = 0,014x + 22,7$	$r = 0,99$	кучли, ижобий
1 ноябр	$y = 0,011x + 20,66$	$r = 0,99$	кучли, ижобий
Шалола нави			
1 октябр	$y = 0,02x + 21,07$	$r = 0,99$	кучли, ижобий
15 октябр	$y = 0,02x + 21,2$	$r = 0,99$	кучли, ижобий
1 ноябр	$y = 0,014x + 20,9$	$r = 0,99$	кучли, ижобий

Жавдарнинг 1000 та дон массаси ва ўрганилган минерал ўғитлар меъёрига боғлиқлик жавдарни экиш муддати ва навга боғлиқ равишда ўзгариб бориб Вахшская 116 навини эрта (1 октябр) муддатда экилганда эгри чизиқли характерга эгаллиги, $y = 0,0003x^2 + 0,21x + 6,3$ регрессия тенгламаси бўйсиниши корреляция коэффиценти $r = 0,88$ ни ташкил этиши кейинги экиш муддатларида тўғри чизиқли характерлиги тифиз ($r = 0,99$) хусусиятга эга бўлиши аниқланган (1-жадвал).

2-жадвал

Экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларининг жавдар навлари ҳосилдорлигига таъсири, ц/га

Экиш муддати	Ўғитлаш меъёри, кг/га			2018 йил ҳосили	2019 йил ҳосили	2020 йил ҳосили	3 йилда ўртача ҳосил	Қўшимча ҳосилдорлик, ц/га	
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O					1 октябр экиш муддати нисбатан	назорат (ўғитсиз) вариантыга нисбатан
Вахшская 116 нави									
01.10	Назорат (ўғитсиз)			24,5	26,1	27,3	25,9	-	-
	120	70	60	48,4	47,6	52,0	49,3	-	23,4
	150	90	75	57,5	51,4	57,9	55,6	-	29,7
	180	110	90	54,3	52,9	59,2	55,4	-	29,5
15.10	Назорат (ўғитсиз)			25,1	25,8	29,7	26,9	1,0	-
	120	70	60	50,6	52,4	54,3	52,4	3,1	25,7
	150	90	75	57,8	56,6	58,4	57,6	2,0	30,7
	180	110	90	65,1	62,5	62,9	63,5	8,1	36,6
01.11	Назорат (ўғитсиз)			19,8	22,3	23,5	21,9	-4,0	-
	120	70	60	32,9	34,7	44,0	37,2	-12,1	15,3
	150	90	75	36,2	40,1	46,8	41,0	-14,6	19,1
	180	110	90	39,3	45,2	48,9	44,5	-10,9	22,6
ЭКИФ ₀₅				3,90	3,77	3,94			
ЭКИФ ₀₅ (А)				2,25	2,18	2,28			
ЭКИФ ₀₅ (В)				1,95	1,89	1,97			
Sx%				3,23	3,09	2,96			
Шалола нави									
01.10	Назорат (ўғитсиз)			27,2	24,2	29,3	26,9	-	-
	120	70	60	48,7	50,3	56,7	51,9	-	25,0
	150	90	75	51,4	52,2	58,9	54,2	-	27,3
	180	110	90	54,0	56,6	60,4	57,0	-	30,1
15.10	Назорат (ўғитсиз)			26,2	25,6	30,9	27,6	0,7	-
	120	70	60	51,1	58,5	60,3	56,6	4,7	29,0
	150	90	75	56,1	67,9	64,0	62,7	8,5	35,1
	180	110	90	60,4	72,4	67,0	66,6	9,6	39,0
01.11	Назорат (ўғитсиз)			19,5	23,4	26,9	23,3	-3,6	-
	120	70	60	36,3	42,6	47,5	42,1	-9,8	18,8
	150	90	75	40,1	43,8	49,4	44,4	-9,8	21,1
	180	110	90	43,7	45,3	53,1	47,4	-9,6	24,1
ЭКИФ ₀₅				3,82	3,74	3,96			
ЭКИФ ₀₅ (А)				2,21	2,16	2,29			
ЭКИФ ₀₅ (В)				1,91	1,87	1,98			
Sx%				3,15	2,82	2,78			

Дон ҳосилдорлиги Вахшская 116 ва Шалола навларида 1 октябр экиш муддатида навларга мос равишда ўртача 25,9; 26,9 ц/га, 15 октябрда ўртача

26,9; 27,6 ц/га ва 1 ноябр экиш муддатида эса ўртача 21,9; 23,3 ц/га бўлиши кузатилган.

Минерал ўғитлар меъерини ошириш 1 октябрда экилганда назоратга нисбатан $N_{120}P_{70}K_{60}$ кг вариантда навларга мос равишда 23,4; 25,0 ц/га, $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг вариантда 29,7; 27,3 ц/га ва $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг вариантыда эса 29,5; 27,3 ц/га кўшимча дон ҳосили олинган. Экиш 15 октябрда ўтказилганда дон ҳосили назорат вариантыга нисбатан минерал ўғитлар меъери ва навларга мувофиқ ҳолда 25,7; 29,0 ц/га, 30,7; 35,1 ц/га ҳамда 36,6; 39,0 ц/га кўшимча дон ҳосили олинган бўлса, 1 ноябр экиш муддатида ўтказилган вариантларда эса, 15,3; 18,8 ц/га, 19,1; 21,1 ц/га, 22,6; 24,1 ц/га кўшимча дон ҳосили олинган (2-3 жадваллар).

Жавдарнинг экиш муддати кечикиши билан дон ҳосили кескин камайиб, кеч 1 ноябрда экилган вариантларда 15 октябр экиш муддатида нисбатан гектарига 15,2; 16,6 ва 19,0 ц кам ҳосил олинган. Вахшская 116 навида дон ҳосилининг 1 октябр экиш муддатида камайишининг асосий сабаблари – бу майсаларнинг қишки совуқлардан зарарланиши ва азотли ўғитлар меъерини ошириш билан ўсимликларни бўйи баланд бўлиб, уларни ётиб қолиши натижасида ҳосилни пасайишига келганлиги аниқланган.

3-жадвал

Жавдар турли навларини дон ҳосилдорлиги ва қўлланилган минерал ўғитлар орасидаги боғлиқлик

Кўрсаткичлар	Регрессия тенгламаси	Корреляция коэффициентлари	Боғлиқлик
Вахшская 116 нави			
1 октябр	$y = 0,05x^2 + 38,6$	$r = 0,85$	кучли, ижобий
15 октябр	$y = 0,08x + 30,9$	$r = 0,99$	кучли, ижобий
1 ноябр	$y = 0,06x + 23,2$	$r = 0,99$	кучли, ижобий
Шалола нави			
1 октябр	$y = 0,04x + 42,0$	$r = 0,99$	кучли, ижобий
15 октябр	$y = 0,08x + 37,7$	$r = 0,99$	кучли, ижобий
1 ноябр	$y = 0,04x + 31,8$	$r = 0,99$	кучли, ижобий

Дон таркибида энг кўп оқсил миқдори ва дон натураси 15 октябрда экилганда гектарига $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг ўғитлаш меъерида қайд этилиб, бунда навларга мос ҳолда 15,0; 15,8 % ва 751,7; 757,9 г/л ни ташкил этиши аниқланган.

Диссертациянинг “**Тажриба натижаларининг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариш тажриба натижалари**” деб номланган тўртинчи бобида сарфланган ҳаражатлар, даромад, соф фойда, рентабеллик даражаси ҳамда ишлаб чиқариш тажрибалар натижаларига оид маълумотлар келтирилган.

Вахшская 116 навида соф фойда ва рентабеллик даражаси экиш муддатлари энг юқори кўрсаткич 15.10 да олинган бўлса, энг паст кўрсаткич 01.11 муддатда олинди. 1 октябр муддатида $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг вариантыда гектаридан 2 млн 662 минг сўм соф фойда, 1 тонна дон таннархи 101,3 минг сўмни ташкил этган бўлса, 15.10 муддатда эса мос равишда 2 млн 736 минг ва

100,4 минг сўмни ташкил этган.

Шалола навида эса 01.10 муддатда $N_{120}P_{70}K_{60}$ вариантыда назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан 2163,8 минг сўм соф фойда олишни таъминлаб, рентабеллик даражаси 33,1 % га юқори бўлган. Ушбу навда энг юқори соф фойда ва рентабеллик 15.10 муддатда $N_{150}P_{90}K_{75}$ қўлланилган вариантда 3561,1 минг сўм ва 60,7 % ни ташкил этган.

ХУЛОСАЛАР

1. Жавдар уруғларининг энг юқори дала унувчанлиги 1 октябрда экилганда кузатилиб $1m^2$ да униб чиққан майсалар сони Вахшская 116 навида 330,0 донадан 342,6 донагача, Шалола навида эса 15 октябрда экилган муддатда кузатилиб 348,7 дан 360,0 донагача, уруғларнинг дала унувчанлиги навларга мос равишда 82,5 дан 85,7 %, Шалола навида 87,2 % дан 90,0 % гача ўзгарди. Экиш муддатларининг кечикиши билан жавдарнинг Вахшская 116 навида уруғларнинг дала унувчанлиги кескин камайиб кетиши кузатилган бўлса, Шалола навида 80,6 % дан 83,7 % гача бўлди.

2. Жавдарнинг қишга чидамлилиги ҳар иккала навда ҳам 15 октябрда экилган муддатда аниқланган бўлиб, бунда вариантлар бўйича Вахшская 116 навида 304,5 дона (93,2 %) дан 329,7 дона (97,5 %) гача бўлганлиги кузатилди. Шалола навида эса 332,2 дона (95,3 %) дан 353,8 дона (98,3 %) гача ўзгариб бориши аниқланди. Шалола нави Вахшская 116 навида нисбатан қишга чидамлилиги юқори эканлиги аниқланган. Тажрибамизда экиш муддатлари ва ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда энг кам қишга чидамлик иккала навда ҳамда назорат – ўғитсиз вариантларда кузатилиб, энг юқори қишга чидамлилик $N_{180}P_{110}K_{90}$ вариантыда қайд этилди.

3. Жавдарнинг бўйи экиш муддатларининг кечикиб бориши билан камайганлиги, ётиб қолишга чидамлиги ошганлиги, ўғит меъёрларини ошиб бориши билан кўпайганлиги, ётиб қолишга чидамлилиги пасайганлиги аниқланди. Шалола нави Вахшская 116 навида нисбатан ўсимликнинг бўйи баланд бўлгани билан ётиб қолишга мойиллиги ушбу навда кам эканлиги аниқланди.

4. Экиш муддатлари ва минерал ўғитлаш меъёрлари жавдарнинг $1 m^2$ даги маҳсулдор поялар сонига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, бу кўрсаткич Вахшская 116 ва Шалола навларида ўрта (15.10) муддатда экилган ва $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг минералли ўғитлар қўлланилган вариантыда юқори (538,7 дона ва 562,2 дона) бўлиши кузатилди.

5. Жавдарнинг Вахшская 116 ва Шалола навларида биомасса тўпланиши экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларига боғлиқ равишда ўзгариб бориши аниқланди. Вахшская 116 навини 1 октябрда экиб $N_{150}P_{90}K_{75}$ ўғитлаш меъёрида ер устки ва остки биомасса энг юқори кўрсаткичка эга бўлиб, мум пишиш фазасида тегишлича 1185,1; 180,2 г ни ташкил этди. Шалола навини шу муддатда экилиб $N_{180}P_{110}K_{90}$ ўғитлаш меъёрида ер устки ва остки биомасса тўпланиши тегишлича 1241,0; 190,6 бўлиши мум пишиш фазасида аниқланди.

6. Жавдар Вахшская 116 навининг энг мақбул экиш муддати 15 октябрда

куруқ биомасса ҳосили назорат вариантыга нисбатан энг юқори куруқ биомасса ҳосил қилган $N_{180}P_{110}K_{90}$ вариантыда тушлаш фазасида 0,362 т/га, найчалаш фазасида 2,752 т/га, бошоқлаш фазасида 4,548 т/га, сут пишиш фазасида 4,579 т/га ҳамда мум пишиш фазасида эса 10,507 т/га гача ошди. Жавдар навларининг энг юқори куруқ биомасса ҳосили мум пишиш фазасида кузатилди. Мақбул экиш муддатида энг кам куруқ биомасса мум пишиш фазасида Вахшская 116 навида назорат вариантыда 6,738 т/га, энг юқори биомасса ҳосили $N_{180}P_{110}K_{90}$ қўлланилганда 17,245 т/га, Шалола навида мос равишда 7,118 т/га ва $N_{180}P_{110}K_{90}$ бўлганда 18,724 т/га ни ташкил қилди.

7. Жавдар навларининг бошоқлаш – сут пишиш ҳамда сут пишиш – мум пишиш фазалараро даврига келиб дастлаб ҳосил бўлган барглари қариб, сарғайиб фотосинтезда иштирок этмаганлиги сабабли барча вариантларда иккала нав бўйича ҳам найчалаш - бошоқлаш даврига нисбатан ФСМнинг камайди. Вахшская 116 ва Шалола навида ҳам энг кам ФСМ кечги (01.11) муддатда экилганда найчалаш – бошоқлаш фазасида навларга мос равишда 3,69 дан 4,19; 5,71 дан 7,08 г/м²*сутка гача бўлган бўлса, энг юқори ФСМ ўрта (15.10) экиш муддатдаги вариантларда мос равишда 5,25 дан 6,63; 5,88 дан 8,37 г/м²*сутка гача бўлганлиги кузатилди. ФСМ ҳар иккала навда ҳам 15 октябрда экилганда, минерал ўғитлар меъёри $N_{180}P_{110}K_{90}$ қўлланилганда энг юқори бўлганлиги аниқланди.

8. Жавдар навларининг энг мақбул экиш муддати 15 октябрда экилганда дон ҳосилдорлик бошқа экиш муддатларига нисбатан ошди. Ушбу муддатда минерал ўғитлар меъёри ошиб бориши билан навларнинг дон ҳосилдорлиги ҳам ошди. Энг юқори дон ҳосилдорлиги $N_{180}P_{110}K_{90}$ вариантыда кузатилган бўлиб бунда навларги мос равишда ўртача 63,5; 66,6 ц/га бўлди. Энг кам дон ҳосилдорлиги барча муддатларда назорат ўғитсиз вариантларида кузатилди.

9. Жавдарнинг мақбул экиш муддати ҳисобланган 15 октябрда ҳар иккала навда ҳам энг юқори 1 м² даги маҳсулдор поялар сони навларга мос равишда 545,8; 562,2 дона, $N_{180}P_{110}K_{90}$ қўлланилган вариантыда ҳосил бўлганлиги аниқланди. Худди шу экиш муддатида бошоқ узунлиги, бошоқдаги бошоқчалар сони, битта бошоқдаги донлар сони ва 1000 та дон массаси каби кўрсаткичлар ҳам юқори бўлиши аниқланганди. Экиш муддатини эрта 1 октябр ёки 1 ноябрда ўтказиш ҳосил структураси элементларини камайишига, минерал ўғитлар меъёрини ошириш кўпайишига олиб келди.

10. Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида жавдарнинг янги Шалола навидан иқтисодий самарали ва сифатли дон ҳосили етиштириш учун экишни октябр ойининг иккинчи декадасида ўтказиб, гектарига $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг ўғитлаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/04.03.2022. Qx.13/01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И
БИОТЕХНОЛОГИЙ**

ИСМОИЛОВ ВОХИД ИСРОПИЛОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ
ОЗИМОЙ РЖИ В УСЛОВИЯХ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ**

06.01.08 - Растениеводство

**АФТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.2.PhD/Qx911

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском государственном университете ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу (www.tdau.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Хамзаев Абдушукур Худайкулович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Атабаева Халима Назаровна,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор


Бозоров Холмурод Махмудович,
старший научный сотрудник, доктор философии по
сельскохозяйственным наукам


Ведущая организация: Научно исследовательский институт
генетических ресурсов растений


Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится на заседании Научного совета за номером DSc.05/04.03.2022.Qx.13/01 при Ташкентском государственном аграрном университете «19» 11 2022 года в 9:00 (Адрес: 100164, Ташкент, ул. Университетская, корпус 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; E-mail: tuag-info@edu.uz Административный корпус ТашГАУ, этаж, конференц-зал).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского аграрного университета (зарегистрирован под номером № 546735). Адрес: 100164, г, Ташкент, улица Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Телефон: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации распространен « 11 » 11 2022 года
(реестр протокола рассылки № 10 от « 11 » 11 2022 года.)


У.Норкулов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор


А.А.Иминов
Учёный секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.с.х.н., старший научный
сотрудник


Ф.Б.Намозов
Председатель научного семинара
при ученом совете по
присуждению ученых степеней,
д.с.х.н., старший научный
сотрудник



Введение (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом сельском хозяйстве озимая рожь является одной из важных зерновых культур, где площадь посева составляет 9,6 млн.га, а валовой сбор - 20 млн.т. Озимая рожь занимает 6-7-е место после пшеницы, риса, ячменя, кукурузы, проса и овса. В мировом производстве зерна его доля составляет 1-1,2%, а средняя урожайность составляет 21 ц с гектара. Озимая рожь является одной из основных продовольственных культур наряду с пшеницей в некоторых европейских странах, в частности, в России, Польше, Германии, Беларуси, Украине.¹ Морозостойкость и зимостойкость ржи позволяют ей широко распространяться по всей Центральной и Восточной Европе. Здесь рожь выращивается на 4,8 миллиона гектарах. Странами, которые выращивают больше всего ржи, являются Российская Федерация, Польша, Германия, Беларусь и Украина. В этих странах производится 75% ржи, которая выращивается по всему миру. В Узбекистане озимая рожь возделывается на площади 8,0 тыс. га, в основном в Хорезмской, Кашкадарьинской, Самаркандской и Ташкентской областях.²

В целях удовлетворения потребности населения в диетических продуктах и дальнейшего укрепления продовольственной безопасности в мире, повышение урожайности и качества зерновых культур, в том числе сортов ржи, необходимо правильно и своевременно проводить агротехнологии. Благодаря правильному применению агротехнологий возделывания, подходящих для различных почвенно-климатических условий, получают высокий и качественный урожай зерна сортов озимой ржи. В этом случае подбор оптимальных сроков посева сортов, соответствующих их биологическим особенностям и норм минеральных удобрений гарантируют получение высокого и качественного урожая зерна, повышая их зимостойкость и устойчивость к полеганию. Проведение исследований по совершенствованию агротехнологий выращивания биологически озимых сортов озимой ржи (*Secale cereale*.) на основе изучения оптимальных сроков посева и норм внесения минеральных удобрений в условиях орошаемых земель является одним из актуальных вопросов.

